Ушбу сонда:
2 КЎНИКМА МАРКАЗИ КЎМАККА ҲОЗИР
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 8 феврал, сешанба № 23 (1864)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга таваллуд куни муносабати билан Россияда чиқадиган энг оммавий нашрлардан бири - «Комсомольская правда» газетаси таҳририяти бош директори ва бош муҳаррири В.Сунгоркиндан табрикнома келди. Унда бундай дейилади:*

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Туғилган кунингиз муносабати билан энг самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз! Истаймизки, Сизга хос шижоат ва некбинлик янги марраларни забт этишингизда доимо қувват бахш этаверсин, тажриба ва донишмандлигингиз янгидан-янги уфқлар сари чорлайверсин, омад эса ҳамиша марғуб ҳамроҳингиз бўлсин. Газетамизни ўқиб туришингизни, узоқ умр кўришингизни тилаб қоламиз!*

## ОҚСАРОЙДА КЕНГАШ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 7 феврал куни Оқсарой қароргоҳида ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан амалий кенгаш ўтказди.***

Кенгашда давлатимиз раҳбари Президентнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» дастурий маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича асосий талаблар ва ҳукуматнинг иш тамойилларини белгилаб берди.

Мамлакатимиз раҳбари иқтисодиётни эркинлаштиришни чуқурлаштирмасдан, хусусий мулк улушини оширмасдан, тадбиркорлик учун эркин шароит яратмасдан туриб юқори иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги асосий принципиал хулосани яна бир бор таъкидлади.

Қайд этилдики, ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни таъминлаш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборатдир. Бу борада асосий эътибор тадбиркорликни, кичик ва хусусий бизнесни, фермерликни фаол ривожлантиришга ҳалал берувчи барча сунъий ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилиши даркор.

Шу муносабат билан Президентимиз томонидан мамлакатни ислоҳ қилишда давлатнинг етакчилик роли тўғрисидаги жамиятни ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бирини амалга ошириш механизми ойдинлаштирилди ва ҳукумат аъзолари, барча даражадаги ҳокимлар, юқори давлат лавозимларини эгаллашдек юксак ишонч билдирилган барча кишилар ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳалар ҳамда ҳудудларда ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий ташкилотчиси бўлиши кераклиги ҳақидаги вазифа қўйилди.

Президент давлат аппарати ходимларига қўйиладиган иккита энг асосий муҳим мезонни белгилаб берди. Биринчидан, топширилган ишга масъулият билан ёндошиш. Иккинчидан, билим, малака ва тажрибага асосланган омилкорлик.

Кенгашда давлатимиз раҳбари томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишидаги, аҳолининг кўплаб эътирозларига сабаб бўлаётган давлат ҳокимиятининг жойлардаги ижро органлари фаолиятидаги жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга коррупция, порахўрлик, шахсий содиқлик ёки қариндош-уруғчиликка асосланган таниш-билишлик каби хунук ҳолатларга қарши курашни кучайтириш вазифаси топширилди.

Ҳукумат олдига мамлакатни ислоҳ қилишнинг янги стратегик вазифалари бюрократик тўсиқлар, сансалорлик, аппарат амалдорларининг масъулиятсизлиги туфайли бажарилмай қолиб кетишига йўл қўймаслик борасида қатъий вазифалар қўйилди.

Мажлисда Президентимиз ҳукумат, вазирлик ва давлат қўмиталари раҳбарларига ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фаолият усули ва натижаларини такомиллаштириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Пировардида Ислом Каримов барча даражадаги сайлов кампанияси ниҳоясига етган, вакиллик органлари ва янги ҳукумат шаклланган ҳозирги пайтда мамлакат аҳолиси, ҳар бир оила ҳақли равишда ҳаётининг яхши томонга ўзгаришини кутаётганини таъкидлади ва Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминлашига ишонч билдирди.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ - ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУД

Тошкентда БМТ шафеълигида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг йиғилиши бошланди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда БМТ вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Юртбошимизнинг ушбу таклифи доирасида Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ҳамда БМТнинг қуролсизланиш бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқиш бўйича музокаралар олиб борилаётир. Женева, Бишкек, Тошкент, Саппоро, Ашхабод ва Самарқанд шаҳарларида ушбу масалага бағишланган амалий учрашувлар ўтказилди.

Бу галги йиғилишда Шартнома лойиҳасининг матни юзасидан ядровий қуролга эга мамлакатлар ҳамда қатор халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган таклиф ва шарҳлар муҳокама этилмоқда. Улар асосида иштирокчи томонлар бу борадаги умумий келишувни ишлаб чиқади.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

## БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Юртимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жисмоний ва ақлий ривожланишда нуқсони бор бўлган болалар ўқийдиган махсус таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш имкониятини яратди.

Урганч шаҳридаги 96-сон махсус мактаб-интернатида таълим-тарбия жараёнида болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши, уларда меҳр-мурувват туйғусини шакллантиришнинг самарали ташкилий ва педагогик услубларини жорий этишга катта эътибор қаратилди.

Ўтган йили ўтказилган турли тадбирлар интернат тарбияланувчилари қалбида бир умрга муҳрланиб қолди. Мактабдаги 103 нафар кам таъминланган оила фарзандларига «Болалар» ва «Наврўз» жамғармалари томонидан 367 минг сўмлик кийим-кечаклар берилди. Мактаб озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур ошхона жиҳозлари билан бепул таъминланди.

Ҳозирги кунда мактаб- интернатида 376 нафар болага 96 нафар ўқитувчи ва 55 нафар тарбиячи мураббийлик қилмоқда. Одатда заиф эшитувчи болаларнинг таълим-тарбия жараёни бошқа мактабларга қараганда анча мураккаб кечади. Чунки бундай муассасалардаги жараён коррекцион мақсадларга асосланган бўлиб, бунда асосий эътибор уларнинг оғзаки нутқларини шакллантириш ва эшитиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилади. Бу эса ўз навбатида, ўқитувчи-тарбиячилардан катта маҳорат ва масъулият талаб этади.

Маълумки, ҳар бир ота-она ўз фарзандини соғлом, бекаму кўст вояга етишини хоҳлайди. Шу боис ҳам айнан болаларни ёшликдан тўғри ривожланишига эътибор қаратиш зарур. Интернатда ўқиб тарбияланаётган заиф эшитувчи болаларнинг кўпчилиги туғма ёки ўз вақтида даволанмаслик, шунингдек, жароҳатланиш оқибатида эшитиш ёки гапириш қобилиятига эга эмаслар. Зеро, айрим ота-оналар ўз фарзандларида бундай аломатларни сезсаларда, эътиборсизликлари натижасида шифокорга ёки махсус малакали педагогларга мурожаат этишмайди.

– Кўп йиллик иш тажрибамдан шу маълумки, айрим оналар ҳомиладорликнинг илк даврида оғир дардга чалинганлигини, баъзилари фарзанди гўдаклигида қаттиқ шамоллаганлиги ва бошқа касаллик билан оғриганлиги, лекин даволанмаганлигини афсус билан айтишади, – дейди мактаб-интернат бош тарбиячиси, халқ таълими аълочиси Қувонч Бобожонова. – Натижада бу болаларнинг эшитиш ва сўзлаш қобилиятига жиддий таъсир этади. Шунинг учун касаллик оғир асорат қолдирмаслиги учун ота-оналар эътиборли бўлиб, фарзандларини чақалоқлигида тўғри парвариш қилиш, агар уларда ногиронлик аломатларини сезсалар дарҳол шифокорларга мурожаат этиш ва мактаб ёшиданоқ ўқишга бериш тавсия этилади. Чунки бу ерда уларнинг ўқиб-ўрганишлари, таълим-тарбия олишлари учун зарур шароитлар яратилган. Айниқса, кейинги вақтларда эшитиш қобилияти заиф бўлган болалар учун ўқув хоналари махсус овоз кучайтириш асбоблари, аудиметр каби бир қанча техника воситалари, кўргазма қуроллар билан жиҳозланди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида пенсионерлар ва ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини янада кучайтириш кўзда тутилган. Шу боис бу йил интернат тарбияланувчиларига кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг кўлами янада кенгайтирилади. Айни пайтда бу ерда 2 нафар ҳаким, 2 нафар ҳамшира ва бир нафар тиш шифокори болажонлар соғлигини жиддий назорат қилиб бормоқда. Шу билан бир қаторда тарбияланувчиларни давлат томонидан ҳимояланишини кучайтириш, саломатликларини тиклаш, ҳолидан хабар олиш доимий эътиборда.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





Аёл омон бўлса оила омон, оила омон бўлса давлат қудратли бўлади. Ушбу сўзлар, айниқса, даволаш-профилактика муассасалари аҳамиятини аниқ-равшан ифодалайди.

Бухоро туман марказий касалхонасига қарашли туғруқ бўлими 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўтган йили ушбу гўшада 1200 дан зиёд чақалоқ дунёга келди. Айтиш жоизки, оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида туманда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 29 минг нафар туғиш ёшидаги аёллар рўйхатга олинган. Бунинг учун 70 нафар тиббиёт ходимлари кечани кеча, кундузни кундуз демай астойдил меҳнат қилмоқда.

**Суратларда: (чапда) акушер-гинеколог Дилфуза Аҳмедова; (ўнгда) бош доя София Хожиева ҳамда бош шифокор Ҳаким Мухторов.**

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## ФАРМОН

### аҳамияти, мазмун-моҳияти жамоатчилик ўртасида кенг тушунтирилгач

***Мустақиллик Конституцияси деб тарихга кирган Қомусимизда ҳуқуқий демократик давлатнинг тамал тоши қўйилди. Унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш биринчи ўринга чиқарилди. Жумладан, Конституциямизнинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.***

***Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади», деб кўрсатилган.***

Ушбу тамойиллар ўтган йиллар давомида изчиллик билан ривожлантирилди ва мустаҳкамланди.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейинги давр мобайнида Президентимиз томонидан 15 та амнистия тўғрисидаги Фармонлар имзоланганлиги давлатимизда инсонпарварлик, одиллик тамойилларига оғишмай амал қилиниб келинаётганлигининг ёрқин далилидир.

### АМНИСТИЯ

**инсонпарварлик, бағрикенглик тимсоли**

2004 йилнинг декабр ойида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Меҳр ва мурувват йили» якунидаги яна бир бағрикенгликнинг амалий ифодаси бўлди. Амнистия акти ижросини таъминлаш борасида Бош прокуратура ва ушбу Фармонни ижро этувчи бошқа идора ва муассасалар ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилди.

Мазкур Фармоннинг аҳамияти, унинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш борасида прокуратура органлари ходимлари томонидан қатор тарғибот тадбирлари ўтказилиб, 301 маротаба оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, 1069 та суҳбат ва учрашувлар ўтказилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида жорий йилнинг 1 феврал ҳолатига ушбу Фармон 30 мингдан ортиқ шахсга нисбатан татбиқ этилди, шу жумладан, 20 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазодан озод қилинди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ОҚ ХАЛАТЛИЛАР ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРДА

Мирзачўлликлар Ҳасанни шифокорлик учун туғилган инсон, деб билишади. Камтарин, камсуқум йигит меҳнати билан элга танилди. Фазилати одамохунлиги, бемор дардини ўзиники каби ҳис қилишида. Шу боисми Ҳасанга мурожаат қилувчилар кўп. Узоқ йиллар тумандаги Мирзачўл қишлоғидаги болалар шифохонасида хизмат қилди. Сўнгра уни ана шу мўъжаз даргоҳ бош ҳакимлигига тайинлашди. Ҳамқишлоқлари туннинг исталган маҳали Ҳасан Қўшбоқов эшигини тақиллатишдан ийманишмайди. Шифокор ҳам мен фалончиманки, дея ўзига оройиш берган эмас. Асбоб-анжомини олади-ю дардман ҳузурига шошилади. Ана шу меҳнат, касбга садоқат Ҳасан обрўйига-обрў қўшиб келяпти.

– Шифохонамиз 40 нафар беморни даволашга мўлжалланган, – дейди у. – 25 нафар бола, 15 нафар она учун хизмат кўрсатяпмиз. Асосан ўткир бронхит, юрак қон-томир, нафас олиш йўллари, қаттиқ шамоллашни даволаймиз. Даргоҳимизда бўлган беморда асорат қолдирмаслик пайида бўламиз.

Шифохона қошида замонавий УВЧ, физио маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Тажрибали шифокорлар мижоз дардига аниқ ташхис қўйиш, даволашни ташкил этишга жон куйдиришади. Эътиборли жиҳати барча тиббий текширувлар, даволаш бепул. Ҳаммасидан ҳам шифокорларнинг ширин сўзлиги касалнинг тез аришига кўмак бериб келаяпти.

– Иссиқ жон иситмасиз бўлмас деганларидек, кўп тиббиёт масканларида бўлиб турамиз, –дейди фуқаро Ёрқинбой Қудратов. – Гапнинг рости, баъзи оқ халат кийганлар ичида икки оғиз ширин сўзни аяйдиганлар ҳам йўқ эмас. Бу борада қишлоғимиз шифокорларидан ўрнак олса арзийди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Долзарб мавзу*

## КЎП ҚАВАТЛИ УЙ-ЖОЙ

### фондини бошқариш кўнгилдагидекми?

***Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш иши мутлақо қониқарсиз аҳволда. Уй-жой коммунал хўжалигидан фойдаланиш ва уни сақлаш борасида бозор механизми амалда шакллантирилмаган. Буларнинг барчаси ҳақли равишда аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда, мавжуд муаммолар эса шошма-шошарлик билан, юзаки ҳал қилинмоқда.***

Таҳририятга Қарши шаҳри 3-митти туман 27-уйда истиқомат қилувчи «Умид-АДХ» ширкати аъзолари томонидан шикоят хати келди. Хатда таъмирлаш ишлари аҳолидан пул йиғиб олиш эвазига амалга оширилаётганлиги, уйлар анчадан бери таъмирталаб бўлиб ётганлиги ва иситилмаётганлиги хусусида ёзилган.

«Умид-АДХ» ширкати 2002 йилда тузилган. Раиси Дилором Аширқулова. Ширкат тасарруфидаги 14 та уйда 622 та хонадон бўлиб, 1664 нафар аҳоли яшайди.

Ўз имкониятларидан келиб чиқиб мулкдорлар жамоаси 48-уй йўлакларини асфальтлаб, 49-турар-жой атрофини ободонлаштирган. 2 та чиқиндихона қурилган. Ноқонуний қурилишлар бузилиб, машина сақлаш жойлари тартибга олинди. Йўл атрофларига мевали дарахт кўчатлари экилди. 37-, 48-, 49- ва 70-уйлар таъмирдан чиқарилди. 27-, 40-, 43-уйларда таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Ширкат ихтиёридаги 27-уй 40 та хонадонли бўлиб, 1987 йилда фойдаланишга топширилган. Бултур Қарши коммунал очиқ акциядорлик жамияти буюртмачилигида мукаммал таъмирланган. Айни пайтда, ертўла қисмини таъмирлаш юмушлари олиб борилаяпти.

600 дан ортиқ сув ва газни ҳисобга олиш ускуналари ўрнатилди. Ч. Нормўминов, А. Суюнова, Е. Стрелкова, К. Матқулова каби 9 нафар ёрдамга муҳтож пенсионерларга уй-жой тўловларида енгилликлар берилган.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, шикоятчиларнинг эътирозларида ҳам жон бор экан. 27-, 48- ва 70-уйлар тўлиқ иситилмайди. Марказий қозонхонадан қарийб 4 километр узоқликда жойлашган 158 хонадонга иссиқлик етиб келгунича сув совуб қолади. Бунинг сабабини вилоят «Иссиқлик манбаи» корхонаси раҳбарлари Қарши шаҳрига бир кеча-кундузда 1,5 миллион кубометр ўрнига 1,2 миллион кубометр табиий газ етказиб берилаётганлиги, ташкилотнинг «Узтрансгаз» акциядорлик жамиятидан 4 миллиард сўмга яқин қарзи борлиги билан изоҳлашади. Демак, хонадонларни тўлиқ исишига ҳозирча ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Бунга имкон бермаётган яна бир нарса уй-жой тўловларидан қарздорлик 6 миллион 800 минг сўмни ташкил этади. Жумладан, ширкат аъзоларидан Рўзиев 139 минг 269 сўм, Қодиров 67 минг 326, Жуманов 77 минг 906, Алланазаров, Рустамов, Примов, Ҳайдаров кабиларнинг қарзи 10 мингдан 20 минг сўмгача бор. Тўловлар вақтида тўланмаса мулкдорлар ширкатининг иқтисодий ҳолати яхшиланмаслигини одамларнинг ўзлари яхши англашлари керак.

Шикоятчиларнинг ёзишича, ўзлари яшаётган уйни қўшни «Саҳроб-плюс» уй-жой мулкдорлари ширкатига қўшилишини истайдилар. Лекин бу мулкдорлар жамоасида ҳам иш рисоладагидек кетаяпти, деб бўлмайди. Шу боис хат муаллифларидан Алланазаров, Қодиров, Жуманов, Қорабоев, Исмоилова, Рашидова, Мустафоева, Қурбонова каби 40 дан ортиқ киши ўзларининг тушунтириш хатларида «Умид АДХ» ширкат раҳбариятига эътирозлари йўқлигини изҳор этиб ёзиб бердилар.

Коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган концепция ишлаб чиқилган. «Уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида»ги қонунда ширкатнинг вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилган. Меъёрий ҳужжатлар ва қонун талабларидан келиб чиқиб ширкат раҳбарияти иссиқлик қуввати, электр энергия, газ, ичимлик суви таъминоти билан шуғулланадиган корхоналарнинг аҳолига сифатли хизмат кўрсатишини таъминлаш билан бирга уйларни таъмирлаш, коммуникация тизимини яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириш масалаларига жавоб беради.

Уй-жойлар - жамоа мулки. Қачонки, одамларга яқинроқ бориб иш кўрилса, муаммоларни ечиш йўллари баҳамжиҳат ҳал этилса мулкдорларнинг оғири енгил, мушкули осон бўлади, шикоятлар камаяди.

Қарши шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятини яхшилаш, муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишса нур устига аъло нур бўлур эди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ФАРМОН

## аҳамияти, мазмун-моҳияти жамоатчилик ўртасида кенг тушунтирилгач

*(Боши 1-бетда)*

Фармоннинг 2-моддасига мувофиқ 11616 нафар эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар озод этилди. Шунингдек, мазкур Фармоннинг учинчи моддасига мувофиқ 923 нафар касаллар ва ногиронлар, 4-моддасига асосан озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган 3856 нафар шахс экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, аммо тузалиш йўлига қатъий ўтган 247 нафар шахсга татбиқ этилди. Мазкур Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган, шунингдек, биринчи марта содир этилган-ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан 3817 нафар шахсга унинг 6-моддаси қўлланилиб, улар жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилдилар.

Фармоннинг 7-моддаси қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача ва ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумларга қўлланилиб, уларнинг ўталмай қолган жазо муддатлари тегишли тартибда қисқартирилди.

Жазони ўташ жойларидан озод этилиб, доимий яшаш жойларига қайтиб келган шахсларни ҳисобга олиш, ишга жойлаштириш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштириш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда.

Жазони ўташ жойларидан озод этилганларни иш билан таъминлаш мақсадида 2005 йил учун республика бўйича корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 12360 та квоталанган иш ўринлари ташкил этилган. Ҳозирги кунга қадар 1795 нафар шахс иш билан таъминланган.

Жойларда жазодан озод этилган шахсларга моддий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида бюджет ҳисобидан 358,5 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 1258 нафар шахсга 45,4 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам пули берилган.

Жазони ўташ жойларидан қайтиб келганларнинг 1359 нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, 199 нафарига стационар шароитда даволаниш ҳамда амбулатория тартибида тиббий муолажалар олиш белгиланган. Бу борадаги қонун талабларининг бажарилиши аҳволи юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 38 нафар мансабдор шахслар қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди, 7 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 25та тақдимнома киритилди. Бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан бири Фармонга асосан жазони ўташ жойларидан озод этилиб, доимий яшаш жойларига, ўз оилалари бағрига қайтиб келган шахсларни ижтимоий муҳитга мослаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар устидан назоратни янада кучайтиришимиз, жойларда қилинаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўрмоғимиз ва бунда барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари ва маҳалла фаоллари кучидан кенг фойдаланишимиз лозим.

**Э. КАНИЯЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси**

***Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги низомда у қайси идоралар томонидан ижро қилиниши ҳам белгилаб берилган. Бунда жазони ижро этувчи органлар, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, судлар, ички ишлар органлари, интизомий қисм командирлари томонидан ижро этилиши қайд этилган.***

# ОЗГИНА ЭЪТИБОРСИЗЛИК

## катта хатоларни келтириб чиқариши мумкин

Одатда, амнистия тўғрисидаги Фармонларда уни ижро этиш муддати белгиланади. Ушбу муддат асосан жазони ўташ жойларида тузилган комиссиялар учун мўлжалланади. Шу билан бирга кўрсатилган муддатда биринчи босқич судлари ҳам, кассация босқич судлари ҳам ўзларининг ихтиёрларига келиб тушган ишлар бўйича амнистия тўғрисидаги Фармон асосида судланувчиларни белгиланган тартибда жазодан озод қилиб, ишни тугатади ёки жазо муддатини қисқартиради ёхуд жазони енгилроқ жазога алмаштиради. Амнистия тўғрисидаги Фармон эълон қилинганига кўп вақт ўтган бўлса-да, судлар томонидан кўрилаётган ишлар Фармон чиққан даврга тўғри келса улар амнистия тўғрисидаги Фармонни ижро этишлари мумкин. Бундай Фармонларни судлар томонидан қўлланилишининг ўзига хос хусусияти ҳам худди мана шунда.

Баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бунда «Амнистия тўғрисида»ги Фармонни жойларда судлар томонидан қўллаш жараёнида қонунбузилишларга йўл қўйилади.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати томонидан А.Попов исмли шахснинг жиноий иши юзасидан кўриб чиқилган иш жараёнида жиноят ишлари бўйича вилоят судининг 2004 йил 2 декабрдаги ҳукмига кўра у Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в» бандига мувофиқ 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазони қаттиқ тартибли маҳкамаларда ўташлик белгиланган. Унга нисбатан Республика Президентининг 1 декабр 2004 йилдаги амнистия тўғрисидаги Фармонининг 7-моддаси «а» банди татбиқ этилиб, тайинланган жазо 3/1 қисмига қисқартирилган.

Суд ҳукмига кўра А.Попов 2004 йилнинг 27 август куни кеч соат 21.30 лар чамасида спиртли ичимлик ичиб маст бўлгани ҳолда ожиз аҳволда бўлган фуқаро Ш.Ҳайитбоевни ўзаро жанжал оқибатида қасддан бошига тош билан уриб ўлдирган.

Бироқ суд томонидан А.Поповга нисбатан Республика Президентининг 1 декабр 2004 йилдаги амнистия тўғрисидаги Фармони татбиқ этилиб, тайинланган жазо маълум муддатга қисқартирилиб, хатоликка йўл қўйилган. Иш ҳолатига кўра, А.Попов муқаддам 1995 йилда содир этган жинояти учун амнистия тартибда жазодан озод этилган. Шу ўринда айтиш жоизки, Республика Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги амнистия тўғрисидаги Фармонининг 8-моддаси, «а» банди ва ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомнинг 18-моддасида муқаддам амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга амнистия татбиқ этилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Юқорида қайд этилган Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда суд ҳукмининг А.Поповга нисбатан амнистия тўғрисидаги Фармоннинг татбиқ этилиши прокурорнинг протестига асосан бекор қилинди ва ҳукм қонунга мувофиқлаштирилди.

Шунингдек, Жиноий ишлар бўйича Қоракўл туман судининг 2004 йил 7 декабр кунидаги ҳукми билан Ж.Саидов ЎзРЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «г» банди билан айбли деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Шундан сўнг унга нисбатан 2004 йил 1 декабрдаги амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 2-моддаси қўлланилиб, жазони ўташдан озод қилинган.

Ҳукмда қайд этилишича Ж.Саидов 2004 йил 18 август куни спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда Қоракўл шаҳар «Маданият уйи» олдида жамоат тартибини бузиб, безорилик қилиб, фуқаро Манзура Самандаровани ҳеч бир сабабсиз ҳақоратлаб, калтаклаб соғлигига зарар етказган.

Суд томонидан судланувчи Ж.Саидовга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 декабр кунидаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонини татбиқ этишда хатоликка йўл қўйилган.

Чунончи, Республика Президентининг 2004 йил 6 декабрдаги фармойишига биноан мазкур Фармонни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 16 -моддаси 2-бандида унча оғир бўлмаган жиноят содир этганликда айбланувчи шахсларга нисбатан жиноят ишлари ҳаракатдан тугатилмаслиги ва умумий тартибда кўриб чиқилиши лозимлиги, бироқ шахс айбли деб топилганда унга нисбатан ЎзРЖПКнинг 463-моддаси, 3-қисми 1-бандига кўра ҳукм чиқарилиши лозимлиги қайд этилган.

Суд томонидан эса мазкур қонун талаби бузилиб, судланувчи Ж.Саидовга ЎзРЖКнинг 277-моддаси, 2-қисми «г» банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, у ушбу жазони ўташдан озод қилинган.

Юқорида кўрсатилган асосларга кўра туман судининг Ж.Саидовга нисбатан чиқарган ҳукми прокурорнинг протестига асосан мувофиқлаштирилди. Кўриниб турибдики, ҳали жойларда Фармон ижросини таъминлаш борасида айрим хатоликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Айтиш жоизки, камчиликларга йўл қўймасдан, ҳар бир жиноий ишни ўз вақтида қонуний кўриб чиқиш ўта эътибор талаб этадиган ишдир. Шу ўринда озгина масъулиятсизлик катта хатоларни келтириб чиқаришини унутмаслик лозим.

**Ғ.АБДУСАЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси судларда жиноий иш кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурори**

# АМНИСТИЯ

## инсонпарварлик, бағрикенглик тимсоли

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан айни кунларда жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан барча шахслар билан Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан муқаддам судланганларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни зарур ҳужжатлар билан тўлиқ таъминлаш, соғлигини текшириш ва ишга жойлаштириш ҳамда моддий ёрдам бериш масалалари бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бундан ташқари, уй-жойга муҳтожлар, ёлғиз ҳамда нафақа ёшига етган қарияларга ёрдам берилиб, ташкилот раҳбарлари билан келишган ҳолда уларни ишга жойлаштириш ҳамда ётоқхона билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда.

# ЖАЗОДАН ОЗОД БЎЛИБ КЕЛГАН ШАХС

## тақдирига муносабат қандай?

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан тасдиқланган тадбирлар –дастур ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг 2004 йилнинг 20 декабр кунида тасдиқланган Фармойиши ҳамда бажариладиган тадбирлар–дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан амнистия тўғрисидаги Фармон ижросини аниқ қўлланилишини таъминлаш ва назорат қилиш, уни қўллаш жараёнида қонун талаблари бузилишининг олдини олиш мақсадида ИИББ да ишчи гуруҳи ташкил этилди. Худди шундай ишчи гуруҳлари туман ИИБ ларида ҳам ташкил этилган. Ишлаб чиқилган тадбирлар дастури ва тасдиқланган Фармойиш барча туман ИИБларига ҳамда тегишли хизматларга ижросини таъминлаш учун юборилди.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқиб келаётган диний экстремистик оқимга мансуб бўлган шахсларни туман ИИБ ҲООБ масъул ходимлари томонидан рўйхатга олиш, ҳужжатларини тиклаш учун паспорт бўлимларига, фойдали меҳнат билан шуғулланиш учун меҳнат бўлимларига, соғлигини текшириш учун соғлиқни сақлаш бўлимларига йўлланмалар бериш чора-тадбирлари кўрилиб, яқиндан ёрдам бериб келинмоқда. Ҳар бир озодликка чиқиб келаётган шахсларни навбатсиз қабул қилиш ишлари тўғри йўлга қўйилиб, назорати ўрнатилган тартибда олиб борилмоқда.

2005 йилнинг 28 январигача бўлган маълумотга кўра, Фармонга биноан жазодан озод бўлиб келган шахслардан 351 нафари туман ИИБ томонидан ҳисобга олинган. Аёлларнинг 37 нафари, вояга етмаганларнинг 9 нафари, 1-2 гуруҳ ногиронларининг 43 нафари, сил касалларнинг 22 нафари, диний экстремистик оқимига мансуб шахсларнинг 46 нафари маҳаллаларда муҳокама қилиниб, зарур ёрдам берилди. Маҳалла фаоллари ҳамда профилактика инспекторлари улар билан доимий мулоқотда бўлиб, ҳолидан хабар олиб туришибди.

Амнистияга оид Фармон юзасидан олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари шу кунга қадар 551 тадан ортиқни ташкил этган. Туман ҳокимияти қошидаги ижтимоий мослашиш марказига амнистия туфайли жазодан озод этилганларнинг 336 нафари мурожаат этган бўлиб, уларнинг барчасига 9244420 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилган. Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимияти қошида ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан уларга алоҳида эътибор қаратилиб, яқиндан ёрдам берилмоқда. Уларнинг оилавий шароити, иш ва яшаш жойлари бўйича ҳам маҳаллаларга бориб тушунтириш-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

**М.ШОНАЗАРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ҲООБ бўлинма бошлиғи, подполковник**

Тўғри йўлдан адашиб жиноят кўчасига кириб қолган шахсларнинг ўзларини ўнглаб олишлари борасидаги амалий ишлар жойларда мутасадди ташкилотлар томонидан жадаллик билан олиб борилмоқда.

Жумладан, шаҳримизнинг Миробод туманидаги «Маҳкам ота Мерганов» номли маҳалла аҳли ҳамда маҳалла профилактика инспектори биргаликда амнистия туфайли қадрдонлари бағрига қайтган инсонлар билан яқиндан муносабатда бўлиб ҳолидан хабар олиб туришади. Беминнат маслаҳатлари билан уларнинг кўнглини кўтариб, умид ва ишонч билан яшашга ундашади.



***Суратда: маҳалла профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Мухтор Хуррамов, «Маҳкам ота Мерганов» номли маҳалла фаоли Махмуд Муродов, ҳамда маҳалла сардори Мансур Исматовлар амнистия туфайли озодликка чиққан Бахтиёр Сиддиқов билан ўзаро суҳбатлашишмоқда.***

**И.ҲАСАНОВ олган сурат**

# КЎНИКМА МАРКАЗИ КЎМАККА ҲОЗИР

Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги фармони Фарғона шаҳридаги бир қанча оилаларга ҳам қувонч олиб кирди. 34 нафар фуқаро муддатидан илгари озодликка чиқиб, оиласи бағрига қайтди.

- Амнистия туфайли озодликка чиққан ҳамшаҳарларимизга имкон қадар ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қиляпмиз, - дейди Фарғона шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма маркази бошлиғи Абдуқодир Раҳимов. - Уларни тиббий кўрикдан ўтказдик. Бир миллион 332 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик. 24 нафар фуқарони турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирдик.

Адашганларни тўғри йўлга солиш, уларга мурувват кўрсатиш азалдан миллий қадриятларимиздан ҳисобланиб келган. Президентимизнинг ушбу Фармони ҳам инсонпарварлик ва бағрикенглик намунасидир.

- Фарзандлар, оила, ота-она бағрида бўлишдан катта бахт йўқлигини энди англадим, - дейди амнистия туфайли озодликка чиққан юртдошларимиздан бири - Мухтор Ёқубов. - Ҳалол меҳнатим билан гуноҳларимни ювиш ниятидаман.

**(ЎзА)**

# МУҲИМИ-ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

Шу кунга қадар озодликка чиқиб келган 16 нафар шахснинг барчаси туман мослашув маркази ҳамда ИИБ томонидан ҳисобга олиниб, уларга зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда. Ҳозирда улар учун туман мослашув маркази томонидан 307,480 сўм миқдорида маблағ ажратилди. Ишлашни хоҳловчилар меҳнат биржаси ёрдами билан ишга жойлаштирилмоқда. Барчаси шифокор кўригидан ўтказилиб даволанишга муҳтожлари даволаш муассасаларига ёткизилди. Яқинлари бағрига қайтиш бахтига муяссар бўлган 2 нафар аёлга ҳам алоҳида ёрдам кўрсатилди.

Туманимиздан ярамас оқимга мансубликда қамалган 2 нафар шахс ота-оналари, яқинлари ҳамда туман диний маърифат ва ахлоқий-маънавий тарбия маслаҳатчилари кафолатлари билан амнистия орқали жазодан озод қилинди. Улар ҳам бугун ўз яқинлари бағрида кўрсатилган меҳрибонликка шукроналар айтиб, осуда ҳаёт сари отланишмоқда. Бу борада уларга масъул ташкилотларнинг ёрдами анча қўл келиши тайин. Сабаби умидсизликка тушиб, ўзига бўлган ишончни йўқотган инсон ҳар доим дўстона ёрдамга муҳтож бўлади. Шу боис қилиниши лозим бўлган ишларни ўз вақтида, кечиктирмасдан амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Шу билан биргаликда вояга етмаганлар қайта жиноятга қўл урмасликлари ҳамда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш борасида иш, ўқиш ва яшаш жойларида маҳалла ва ўз-ўзини бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда уларнинг яшаш, турмуш тарзи яқиндан ўрганилиб, ҳар бирига мураббийлар тайинланган ҳолда назорат олиб борилмоқда. Умид қиламизки, давлатимиз ғамхўрлиги ила яқинлари бағрига қайтишга муваффақ бўлган инсонларимиз ишончни албатта оқлашади.

**О.САТТОРОВ,**
**Шовот тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бошқармаси катта инспектори, милиция капитани**

# АЙБ АВВАЛО БИЗДА - ОТА-ОНАДА

Фарзанд ота-онадан ҳеч қачон ёмон бўлиб туғилмайди. Унинг келажакда ким бўлиб вояга етиши аввало оилада кўрган тарбиясига, шу гўшадаги муҳитга боғлиқ. Бошим келиб деворга текканида фарзанд тарбиясида хатоларга йўл қўйганимизни англадим. Ўғлим Жамшиднинг қилмишларини судда эшитганимда бошимдан муздек сув қуйгандек бўлди. Ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Наҳотки, менинг фарзандим шу кўйга тушган бўлса, дея ўзимга-ўзим қайта-қайта савол берардим.

Кейинчалик билдимки, ўғлим катта бўлиб қолди, буёғига ўзини эплаб кетар, деган ниятда унга эътиборни сусайтириб қўйибмиз. Баъзан ярим кечада, баъзан кунлаб келмай қолганида сўраб-суриштирмай ёлғон гапларига ишонганмиз. Ўғлимизни вақтида назорат қилиб турганимизда у ярамас оқим гирдобига тушмасди. Бепарволик, келишувчанлик қимматга тушди. Фарзандим қамоққа тушди, маҳалла-кўй олдида бош кўтаролмай қолдик. Ўзимиздан ўтганни ўзимиз биламиз...

Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармони шарофати ила ўғлим озодликка чиқди. Ота-бола дўппини ерга қўйиб чуқур мушоҳада юритдик. Мени қувонтиргани Жамшиднинг кўзи очилибди, хатоларини тушуниб етибди. «Халқимдан, Президентимдан узр сўраб ўзимни ҳалол меҳнат билан оқлайман», дея аҳд қилди. Мен унга ишондим.

**Амин РАЖАБОВ,**
**Шовот тумани**

# КЎЗИМ ОЧИЛДИ, ХАТОИМНИ ТУШУНИБ ЕТДИМ

Муборак юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна солишга, халқни ўз танлаган йўлидан қайтаришга уриниш, ярамас йўллар билан одамлар кўнглига ғулғула солиш, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини сусайтиришга ҳаракат қилиш каби қабиҳ ниятлар билан яшаганлар узоққа бормайди. Эл-юрт ўртасида шармандаю-шармисор бўлади. Бунга минг бора ишонч ҳосил қилдим. Афсусдаман, кимларнингдир ёлғон, пуч ваъдаларига ишониб тўғри йўлдан адашдим. Бебаҳо ёшлик йилларимнинг муайян қисми беҳуда ўтди. Ватандан йироқда яшаш қанчалар оғир эканлигини қалбдан ҳис қилдим.

Мулла бўлдим, кўзим очилди, барча хатоларимни тушуниб етдим. Ҳаётимнинг тўр симлар ортида ўтган ҳар бир дақиқаси ақлимни пешлади. Озод, эмин-эркин яшаш, севган касбингда фаолият юритиш нақадар катта бахт эканлигини чуқур идрок этдим. Муҳтарам Президентимизга раҳматлар айтаман, Амнистия туфайли озодликка чиқишим оила аъзоларим учун ҳам унутилмас воқеа бўлди. Қарорим қатъий, қолган умримни фақат яхшиликка, бунёдкорликка бағишлайман.

**Ж. ТОШМУҲАММЕДОВ,**
**Тошкент шаҳри**

***Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг ижроси тегишли идоралар зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу баробарда ҳокимлик мослашув марказлари зиммасида ҳам қатор вазифалар мавжуд. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг 880-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, уларни изчил амалга ошириш мақсадида махсус комиссия тузилди.***

# МАҲАЛЛАНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР

Белгиланган чора-тадбирларга асосан шаҳар ҳокимияти томонидан ишга муҳтожлар учун кўплаб корхона ва ташкилотларда иш жойлари квоталаниб, жазони ижро этиш жойларидан қайтганларни дастлабки пайтда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун зарур миқдордаги маблағ молиялаштирилиб шу кунга қадар уларга 1029759 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, махсус белгиланган режага мувофиқ 2004 йилнинг декабр ойида Тошкент шаҳар комиссияси аъзолари томонидан шаҳримизнинг ҳар бир туманида амнистия тўғрисидаги Фармоннинг моҳияти, унинг ижроси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан мазкур масалага мутасадди бўлган ташкилот раҳбарлари иштирокида семинар-йиғилишлар ўтказилди. Туманларда фаолият олиб бораётган ишчи гуруҳ томонидан ҳар бир озод этилган шахс ўрнатилган тартибда рўйхатга олиниб, уларнинг ҳужжатларини тиклаш, тиббий кўрикдан ўтказиш, моддий ёрдам кўрсатиш ва ишга жойлаштириш каби масалалар юзасидан тегишли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бундан ташқари, жазодан озод қилинган вояга етмаган шахсларни ота-оналарининг шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топширилиши, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборилиши, мослашув марказлари фаолиятининг қонун талабларига мос бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда рўйхатга олинган шахсларнинг 266 нафарининг шахсий паспортлари тикланиб, яшаш жойларига рўйхатга қўйилди. 249 нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб даволанишга муҳтожлари касалхонага ётқизилди. Уй-жойга муҳтож бўлганлари яшаш жойлари билан таъминланиб, ишга жойлаштирилди. Шунингдек, ногирон ҳамда нафақа ёшига етган шахсларга ўз вақтида нафақа тайинланиб, расмийлаштирилмоқда.

Жазодан озод этилганларни яна ҳаётга қайтариш, уларнинг тўлақонли инсонлар қаторига қўшилишида албатта маҳалла аҳли ҳамда ўша инсоннинг яқинларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шу боис меҳнат жамоаларида, ўқув даргоҳларида, маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларда Фармоннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, унинг мазмун-моҳияти аниқ тушунтириб борилмоқда.

**А.ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳар мослашув маркази раҳбари**

Саҳифани тайёрловчи: **Роза САЙДАҲМЕДОВА,** «Ишонч» мухбири

# «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

## Саволларингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради



### АЛОҚА ХОДИМЛАРИГА ИМТИЁЗ

***САВОЛ: алоқа соҳаси ходимлари учун даромад солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар назарда тутилганми? Шу ҳақда маълумот беришингизни сўраймиз.***

**Д.ГАЙБУЛЛАЕВ,**
**Қизириқ тумани**

**ЖАВОБ:** Солиқ Кодексининг 55-моддасига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартда қабул қилинган «Ўта зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг (яъни фуқароларнинг) айрим тоифаларидан имтиёзли даромад солиғи ундириш ҳақида» 72-сонли қарорига мувофиқ, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун, шу жумладан, алоқа ходимлари учун ҳам, уларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари миқдоридан даромад солиғи имтиёзли равишда, яъни олинган даромадининг 25 фоизигача бўлган миқдорда ундирилади.

Шароити зарарли ва оғир ҳамда ўта оғир, ўта зарарли бўлган ишлар, касб ва лавозимларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган. 3-рўйхатда алоқа соҳаси ходимларининг бир қатор тоифалари қайд этилган бўлиб, улар жумласига; - пайвандловчи-кабелчи; шаҳар телефон станциялари телефончилари; шаҳар телефон тармоғи маълумотлар хизматининг телефончилари ва бошқа бир қатор шахслар киради.

Шундай қилиб, 3-рўйхатда кўрсатилган алоқа соҳаси ходимлари ҳам олган даромадларнинг 25 фоизигача бўлган миқдорда (ишловчи хотин-қизлар эса 20 фоизгача) имтиёзли даромад солиғи тўлайдилар.

Мазкур имтиёзни амалиётда қўллаш бўйича Давлат Солиқ қўмитасининг 1996 йил 26 апрелдаги 11/-1839-сонли тушунтириш хати мавжуд.

### ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

***САВОЛ: ишдан четлаштириш нима ва у қандай ҳолатларда қўлланилади? Шу ҳақда маълумот беришингизни сўрайман?***

**Қ.СУЛТОНОВ,**
**Қамаши тумани**

**ЖАВОБ:** ишдан четлаштириш тушунчаси Меҳнат Кодексининг 113-моддасида назарда тутилган бўлиб, ишдан четлаштирилган даврда ходим вақтинча ўзининг хизмат вазифаларини бажаришга қўйилмайди. Унга мувофиқ қуйидаги ҳолларда ходим ишдан четлаштирилади:

1) Алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ёки иш вақти давомида маст ҳолатда бўлган ходимни иш берувчи иш куни давомида ишдан четлаштиради;

2) ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда ҳам иш берувчи ходимни ишдан четлаштиради. Мажбурий тиббий кўрикдан ўтиш шарти ходимлар тоифаси Меҳнат Кодексининг 214-моддасида кўрсатилган.

Бундан ташқари, терговчи, прокурор, суд ёки давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар талаби бўйича иш берувчи ходимни ишдан четлаштиришга мажбур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ходим иш берувчининг айби билан ғайриқонуний равишда ишдан четлаштирилган тақдирда ходимга етказилган зарарлар иш берувчи томонидан қопланади.

### БОЛА ПАРВАРИШИ УЧУН ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ

***САВОЛ: болаларни парваришлаш билан банд бўлган шахсларга нисбатан тўлиқсиз иш вақти белгиланиши ва қўшимча дам олиш куни берилиши мумкинми?***

**Д.РАШИДОВА,**
**Урганч шаҳри**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 229-моддасига асосан, ҳомиладор аёлнинг ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор бўлган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлнинг, шунингдек, оиланинг бетоб бўлиб қолган аъзосини парваришлаш билан банд бўлган шахснинг (ходимнинг) илтимосига кўра ҳамда тиббий хулосага мувофиқ иш берувчи уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Тўлиқсиз иш вақтида ишлаган ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга йўл қўйилмайди. Меҳнат Кодексининг 119-моддасига кўра тўлиқсиз иш вақтида ишлаганлик учун иш ҳақи ишланган вақтга ёки бажарилган ишга (ишлаб чиқарилган маҳсулотига) мутаносиб равишда тўланади.

Саволнинг қўшимча дам олиш кунига оид қисми юзасидан таъкидлаш жоизки, ўн олти ёшгача ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойда бир кунлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш куни берилади.

Мазкур имтиёз Меҳнат Кодексининг 230-моддасида назарда тутилган.

### ХОДИМНИ ДОИМИЙ ВА ВАҚТИНЧАЛИК БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШ

***САВОЛ: ходимни доимий ёки вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?***

**Д.РАЗЗОҚОВ,**
**Урганч шаҳри**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 92-моддаси талабларига биноан ходимни бошқа доимий ишга ўтказишга, яъни ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга, унга бошқа мутахассислик, малака ва лавозимга оид ишни топширишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Ходимни доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади. Меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда чиқарилган буйруқ тилхат орқали (имзо чектириб) ходимга маълум қилинади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида ёзувлар меҳнат дафтарчасида қайд этилади.

Ҳозирги пайтда ходимларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш амалиётда кўпроқ қўлланилмоқда. МКнинг 94-95 моддаларига биноан ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга ва ходимнинг розилиги билан вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати тамом бўлгач иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

Ходимнинг уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабабларга кўра келиб чиққан ва бундай ишлар корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши лозим.

Соғлиғи ҳолатига кўра ёки ноқулай меҳнат шароити таъсиридан ҳоли бўлган бошқа ишга ўтказилган ҳолатларда ходимга дастлабки икки ҳафта муддат давомида аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда, иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар меҳнат шартномасида акс эттирилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан, ходимни унинг розилигисиз ҳам вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилиши мумкин. Бошқа ишга ўтказишнинг чекланган муддатлари меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва ишлаб чиқариш заруриятлари ҳақидаги қоидалар корхонанинг локал ҳужжатларида, жамоа шартномаларида ёки ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилиши ва касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик идоралари билан келишиб олинган ҳолда амалга оширилади.

### АЖРАТМАЛАР ТЎЛАШДАН ҚАЙСИ КОРХОНАЛАР ОЗОД ЭТИЛГАН?

***САВОЛ: қайси турдаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилган?***

**Т.ҚЎЧҚОРОВ,**
**Тўрткўл тумани**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-бандига мувофиқ, қуйидаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этиладилар.

– ногиронлар жамоат ташкилотларига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш корхоналари;

– протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга, ногиронларга протез қўйиш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган корхоналар;

– тарбия ва таълим муассасалари ҳузуридаги ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари;

– бюджет таъминотидаги театр-томоша ташкилотлари иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этиладилар.

### МАЖБУРИЙ БЕКОР ЮРГАН ДАВР УЧУН ҲАҚ

***САВОЛ: ходимнинг мажбурий равишда бекор юрган вақти учун ҳақ тўланадими?***

**Ў.РАШИДОВ,**
**Гурлан тумани**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 188-моддасига мувофиқ, ходим меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум қилинган барча ҳолларда, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаслик оқибатида келиб чиққан мажбурий равишдаги бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундиришга ҳақли.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилиниши туфайли юзага келган меҳнат низоларини кўриб чиқиш пайтида мажбуран ишланмаган вақт учун ходимнинг талаблари меҳнат низоларини кўриб чиққан суд ёки меҳнат низолари бўйича комиссия томонидан бир йилдан кўп бўлмаган вақт учун қондирилади.

Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа талаблари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қаноатлантирилади. Ушбу қоидалар МКнинг-275-моддасида белгилаб қўйилган.

### СОЛИҚ ТЎЛАШДАГИ ХАТОЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

***САВОЛ: солиқ тўловчилар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлари учун улар жавобгарликдан озод қилиниши мумкинми?***

**А.СОЛИЕВ,**
**Нарпай тумани**

**ЖАВОБ:** Солиқ Кодексининг 133-моддасига мувофиқ, агар солиқ тўловчи субъектлар (фуқаролар, тадбиркорлар, юридик шахслар ва ҳоказолар) давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан текширув ўтказилган (аниқланган) кунгача бўлган муддатда ўзлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўзлари мустақил равишда бартараф қилсалар, у ҳолда белгиланган жавобгарликдан озод этилади.

Шунингдек, солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ ва мажбурий йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўланган қисми бошқа тўланмаган солиқ ёки йиғимнинг тўланмаган боқиманда ўрнини қоплаган тақдирда ҳам жавобгарликдан озод қилинади.

### ХОДИМГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ҚОПЛАНИШИ

***САВОЛ: 1. Давлат органлари, масалан, солиқ ёки божхона ходимлари томонидан нотўғри ундирилган маблағлар ва шу сабабли тадбиркор ёки фуқарога етказилган зарар қайтариб олиниши (қопланиши) мумкинми?***

***2. Соғлиққа етказилган зарар ва бунга зарар етказувчи томонидан тўланадиган маблағ ҳақида маълумот берсангиз.***

**О.АЗИМОВ,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ: 1.** Қонунга мувофиқ, масалан, Фуқаролик Кодексининг 14 ва 15-моддаларида бирон-бир тарзда ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган ҳар қандай зарарни ҳар қандай зарар етказувчидан, ким бўлишидан қатъий назар тўла қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Жумладан, Фуқаролик Кодексининг 15-моддасига биноан, давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида давлат бюджетига ўтказилган маблағлар ёки фуқарога (юридик шахсга) етказилган мулкий зарар айбдор бўлган мансабдор шахс ёки давлат органи томонидан қайтариб берилиши (қопланиши) лозим.

Кодекс талабига асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати 2002 йил 28 ноябр куни бюджетдан маблағларни ундириш (қайтариш)нинг айрим масалалари тўғрисида ахборот хатини тасдиқлаган ва ушбу тушунтириш ижро учун амалиётда қўлланилмоқда.

**2.** Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиш туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш билан боғлиқ масалалар Меҳнат Кодексининг 187-197-моддаларига мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган «Қоидалар»га асосан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Жумладан, Меҳнат Кодексининг 189-моддасида белгиланишича, ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган ҳар қандай зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса, товон пули тўланиши шарт эканлиги назарда тутилган.

Иш берувчи томонидан қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари (меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ва шу каби қоидаларга риоя қилмаслик) яратиб берилмагани оқибатида олинган меҳнат жароҳати иш берувчининг айби билан содир этилган деб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома, суд ҳукми ёки қарори прокуратура, тергов ва суриштирув идораларининг қарори, меҳнат-техника инспекторининг ёки бошқа мансабдор шахс (орган)ларнинг хулосаси, касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор, меҳнат жароҳати туфайли ходимга вақтинча меҳнатга лаёқатни йўқотганлик учун нафақа тўловлари билан боғлиқ харажатлари қоплаш хусусидаги касаба уюшмалари ва ижтимоий суғурта жамғармаси идоралари қарорлари ва шу каби бошқа ҳужжатлар, шунингдек, гувоҳларнинг кўрсатмалари иш берувчининг ходимга етказилган зарари учун айбдорлигини ва жавобгарлигини исботловчи далиллар бўлиши мумкин.

Ходимнинг (жабрланувчининг) қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг (жароҳатнинг, касалликнинг) келиб чиқишига ёки унинг кўпайишига сабаб бўлган тақдирда, зарарнинг тўлов мидори жабрланувчининг айби даражасига қараб тегишли равишда камайиб боради.

Меҳнат Кодексининг 190-моддасига биноан, ходимнинг соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан қилиниши шарт бўлган тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

1) жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига ёки меҳнат жароҳати туфайли ходим соғлиғига етказилган зарар (шикастланиш) оқибатида йўқотилган меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб аниқланадиган иш ҳақи (ёки унинг тегишли қисми) миқдорида жабрланувчига тўланиши шарт бўлган ҳар ойлик пул тўловлари;

2) ходимнинг соғлиғига шикаст етиши ёки касб касаллигига дучор бўлиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг пуллик компенсацияси;

3) қонунчилик ҳужжатларида, жамоа шартномаларида ва томонларнинг (иш берувчи билан ходимнинг) ўзаро келишуви асосида белгиланган миқдордаги бир йўла бериладиган нафақа тўловлари;

4) шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва белгиланган тартибда маънавий зарарнинг ўрнини қопловчи пуллик компенсациялари.

Зарарни қоплаш учун тўланадиган пул маблағлари миқдори турмуш даражасининг ошиб бориши муносабати билан қонунчиликда белгиланган тартибда индексация қилинади.

### МУДДАТЛИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

***САВОЛ: бизнинг корхонамиз (у акциядорлик жамияти шаклида) раҳбари барча ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузмоқчи эканлигини маълум қилди.***

***Ходимлар билан тузилган аввалги меҳнат шартномаларини иш берувчи талаби билан муддатли шартномага ўзгартириш мумкинми?***

***Муддатли меҳнат шартномаларини қўллаш хусусида батафсил маълумот беришларингизни сўраймиз.***

**К.САМАНДАРОВ,**
**Косон тумани**

**ЖАВОБ:** муддатли меҳнат шартномасини тузиш масалалари Меҳнат Кодексининг 75- ва 76-моддалари билан тартибга солинади. Кодекснинг 75-моддасига мувофиқ номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномасининг шартларини, шу жумладан, унинг муддатини ўзгартиришга тарафлардан бирининг талаби билан МКнинг 89- ва 90-моддаларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади:

– иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқаришига фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади (89-модда);

– ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги талаби (аризаси) берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши лозим (90-модда). Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, муддатли меҳнат шартномаси тузилганлиги ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари (таътилларидан фойдаланиш, мукофотлар, рағбатлантириш ва шунга ўхшаш ҳуқуқлар) бирон-бир тарзда чекланмайди.

Меҳнат Кодексининг 76-моддасида иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган бўлиб, қонун талабига кўра, муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда тузилади.

1) Бажарилажак ишнинг хусусиятлари ёки уни бажариш шартлари туфайли муддатли меҳнат шартномаси тузишга мавсумий ишларни бажариш билан боғлиқ ишларни бажариш учун йўл қўйилади. Бундай ишлар сирасига қишки мавсумда ўт ёқувчи ёки иситиш қозонхонаси операторини, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун қурувчиларни, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ мавсумий ишларни бажариш каби юмушлар мисол бўла олади;

2) Бажарилажак ишни бажариш шартлари ҳисобга олинган ҳолда муддатли меҳнат шартномаси тузишга, масалан, бола туғиш ва уни парваришлаш муносабати билан таътилда бўлган аёлнинг ишга чиқиш вақтигача бошқа ходим (шахс) билан муддатли меҳнат шартномасини тузишни мисол қилиб келтириш мумкин;

3) Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талабига кўра, ходимнинг ўзи манфаатдор бўлган ҳар қандай ҳолатларда муддатли меҳнат шартномасини тузишга йўл қўйилади. Фақатгина муддатли меҳнат шартномасини тузишдан ходимнинг бевосита манфаатдорлиги ишончли ва яққол кўриниб туриши лозим. Афсуски, амалиётда баъзан иш берувчилар томонидан ходимларга тазйиқ ўтказилиб, ходимлар билан «ихтиёрий-мажбурий» равишда муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳолатлари учраб турибди. Кейинчалик низолар юзага келмаслиги учун муддатли меҳнат шартномаси тузилишидан манфаатдор бўлган ходим (масалан, ўқув юртида ўқиётган талаба ёки фарзанди мактабгача тарбия муассасасида бўлган она) тегишли ариза ёзиб, иш берувчига шундай илтимос билан мурожаат қилишига сабаб бўлган омилларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир;

4) номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилишига мисол тариқасида Меҳнат Кодексининг 76-моддасига асосан, корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтерия, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан тузиш мумкинлигини келтирмоқчимиз. Алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонанинг бошқа маъмурий бошқарув ходимлари ва таркибий бўлимларнинг бошлиқлари билан ҳам Меҳнат Кодексининг 76-моддаси асосида муддатли меҳнат шартномасини тузишга йўл қўйилмайди.

Ёки бошқа бир мисол, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 6- ва 22-моддаларига асосан, меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун кейинчалик икки ойгача муддатга узайтириш ҳуқуқи билан муддатли меҳнат шартномалари тузилади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларга тўланадиган иш ҳақининг камида эллик фоизи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса маҳаллий бюджетлар ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Шунингдек, юқоридаги саволингизда кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича қонунчиликда белгиланган ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланганидек, давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакиллари билан, шунингдек, акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг раҳбари билан бир йилдан кўп бўлмаган муддатга меҳнат шартномаси тузиш шарт эканлигини кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур ҳолатлар қатъий қоида ҳисобланиб, уларни кенг маънода талқин этишга ва қўллашга йўл қўйилмайди. Чунки, Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талабларини ҳисобга олмасдан муддатли меҳнат шартномасини тузиш ходимнинг аҳволини қонунчилик ҳужжатларидагига нисбатан ёмонлаштиради. Сабаби, муддат тугаган вақтда тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

---

## «Ишонч» фош этади

# НАФАҚАГА КЎЗ ОЛАЙТИРГАНЛАР

***Бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган оилаларни, пенсионер, ногиронларни, икки ёшдан ўн олти ёшгача бўлган фарзандлари бор аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, етарлича шароитлар яратиб бериш борасида давлатимиз кўплаб саъй-ҳаракатлар қилмоқда.***

***Икки йил аввал Республика «Халқ банки» тизимида ислоҳотлар кўламини кенгайтириш мақсадида катта ўзгаришлар қилинди: яъни банкнинг кўпгина вилоят ва туманларидаги бўлимлари ходимлари аттестациядан ўтказилиб, малакали мутахассислар билан мустаҳкамланди.***

Лекин ислоҳотлар жараёнидаги бир муҳим омилни айрим мутасаддилар ҳали-ҳануз англамаган кўринади. Улар қонунларни хаспўшлаб, давлат ижтимоий ҳимояга олган кишиларнинг ризқига чанг солаётганларга йўл очиб бермоқда. Поп тумани «Халқ банки»даги кўнгилсиз ҳолатларни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

Кўзбўямачиликлар туман банкида 13 йил турли лавозимларда ишлаб келган Зафар Ҳасановни қўлига қалам олишга мажбур қилди. У ўзининг мактубида бу ерда содир этилаётган жиноий ишлардан бўлимнинг собиқ раҳбари, ҳозирда Наманган вилоят «Халқ банки» бошқаруви раиси хабардор эканлиги, аммо нафақахўрлар ризқига хиёнат қилаётганларга нисбатан кескин чоралар кўрмаётганлигини алоҳида таъкидлайди.

Таҳририятимизга у йўллаган шикоят-аризага қадар бир неча ташкилотлар шу жумладан, вилоят марказий банки ҳам туман бўлимидаги воқеалардан хабардор бўлишган. Улар ўрганган текширув хулосаларнинг айримларига кейинроқ тўхталамиз.

Ҳозир эътиборни бир жиҳатга қаратмоқчимиз. З.Ҳасанов 2003 йилгача бўлган даврда ёшга доир ва бошқа кўплаб соҳаларга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар бўлимнинг айрим ходимлари томонидан ғайриқонуний равишда ўзлаштириб юборилгани, шундай бўлсада, улар ҳайфсан билан кифояланганлиги, негадир болалар ризқига хиёнат қилишлар ҳамон давом этаётганлигини қайта-қайта ёзаверган. Бироқ...

Хўш, ижтимоий ҳимоядагиларнинг насибасини «туя қилаётганлар» кимлар эди. Тумандаги 025- ва 036-шохобчаларда 2003 йилнинг октябрида ўтказилган текширишда хазиначи Э.Матқосимов ҳужжатларни қалбакилаштириб, 110 минг сўмни ўзлаштиргани аниқланган. Ваҳоланки, ариза муаллифи таъкидлаганидек, ана шу хазиначи июл ойида ҳам худди шундай жиноятни содир этган.

Нафақахўрлар пулини ўзлаштиришда 027-шохобча хазиначиси Н.Мамадалиева, коммунал тўловлар ҳисобчиси М.Усмоновлар ҳам ҳамкасбларидан қолишмаскан. Улар ҳеч нарсадан тап тортмай, ўша йилнинг октябрида кассага кирим қилиниши лозим бўлган 100 минг сўмни киссаларига уришди.

Энг ачинарлиси, банк бўлимида содир этилган бу каби иқтисодий жиноятлар «босди-босди» қилиниб, ўзлаштирилган маблағлар ими-жимида ўрнига қайтарилган. Юлғич ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки уларнинг баъзилари худди шу лавозимга бошқа шохобчага ўтказиб юборилган. Натижада ходимлар нафси ҳакалак отаверган.

Бир мисол. Якунланган йилнинг февралида 04-шохобча назоратдан ўтказилади. Натижада давлат томонидан ажратилган моддий ёрдам ва 2 ёшдан 18 ёшгача болалар нафақасидан 21 нафарининг 292,184 сўм пули бухгалтер назоратчиси М.Эратова томонидан хуфёна равишда ўзлаштирилгани маълум бўлди.

Ёки октябр ойида тумандаги «Пилол» маҳалласи аҳли шу ерда жойлашган 40-шохобча назоратчиси М.Мансурова айрим ноқонуний ишларга қўл ураётганлиги хусусида фикр билдириб, тегишли ташкилотларга мурожаат этишади. Банк маъмурияти эса масъулиятсизликка йўл қўйган ходимга чора кўриш ўрнига унга иш ҳақидан 40 фоиз жарима қўллаб, 50-шохобчага шу лавозим бўйича ишга ўтказиб қўяди.

Масъулиятсизлик, ўз соҳасига беэътиборлик билан қараш ҳамиша қимматга тушади. Афсуски, «Халқ банки»нинг Поп тумани бўлимида бу нуқсонлар сақланиб келаётгани ачинарли ҳол. Масалан, ўтган йил февралида соҳадагиларнинг эътиборсизлиги туфайли адлия, солиқ, сафарбарлик чақируви резерви ва коммунал тўлов пуллари каби давлат назоратидаги салкам бир миллион сўм маблағ вақтида ўтказилмасдан, сабабсиз ушлаб турилган.

Мана буниси эса янада антиқа: туман бўлими бино эскиргани, уни тўлиқ қайта таъмирлаш учун рухсат беришларини сўраб республика «Халқ банки»га ўтган йил февралда ёзма мурожаат этади. Юқоридагилар томонидан бу иш ўрганилиб, апрел ойида 6894,8 минг сўм ажратиш ҳақида рухсат берилади. Бироқ ҳали аҳвол ўрганилмасдан, аниқроғи, март ойида таъмирлаш учун кетадиган маблағнинг бир қисми тегишли қурилиш ташкилотига ўтказилган. Шунингдек, ҳужжатларда «бинони таъмирлаш учун» дейилган бўлса-да, амалда эса фақат унинг атрофи панжара билан ўралган, холос.

Тўғриси, бўлимда нафақат ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳақига хиёнат қилишлар авж олган, балки юқорида зикр этилган ишлар ҳам таассуфки бор нарса. Бу каби иллатлар илдиз отмаслиги мумкин эдику, деган ҳақли савол туғилади. Аслида бўлимнинг собиқ ходими З.Ҳасанов қинғир ишларнинг пайини тезроқ қирқиш ва банкда соғлом муҳитни вужудга келтириш учун даҳлдор ташкилотларни ёзма равишда огоҳлантириб, улардан мадад кутганди.

– Туман бўлимидаги барча ишлардан вилоят бошқаруви раиси хабардор бўлса-да, масалага жиддий қараш ўрнига, ўртага воситачи қўйиб, аризани қайтариб олсам, менга тегмасликка, юлғичларга чора кўришга ва тилхат ёзиб беришга ваъда қилди, –дейди З.Ҳасанов.– Афсуски, энди билсам аҳдимдан бекор қайтган эканман. Акс ҳолда ўшандан сўнг ҳам болалар пулига хиёнат қилишлар авж олмасди ва ўзим шунча йил ишлаган қадрдон соҳамдан бўшатилмасдим. Тўғри, вилоят марказий банкидаги мутахассислар текширув ўтказишди. Бироқ улар хатда кўрсатилган далилларни чуқур таҳлил этиб, айбдорларга тегишли чора кўриш ва камчиликларга барҳам бериш ўрнига ходимлардан мен ҳақимда тушунтириш хати олиш билан кифояланишди. Ўз-ўзидан аёнки бўлим ва унинг шохобчаларида нопок ишлар барҳам топмаётганлигини фош этишим уларга ёқмаслиги табиий. Ҳозирги кунда тумандаги қурилиш ташкилотида бошлиқ муовини ва касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатяпман. Банк соҳасига энди қайтмайман, лекин шундай мўътабар жойда кўзбўямачилик ва қонунга зид ишлар қачонгача давом этади.

Дарвоқе, вилоят марказий банки мутахассислари жамоада суҳбат ўтказганидан сўнг аниқроғи ўтган йилнинг май ойида З.Ҳасанов ўқув таътилида бўлган даврда бўлим бошлиғи муовини С.Турғунов унинг уйига келиб, йиғилиш тафсилоти ҳақида сўзлаб беради ва ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёздириб олади...

Хуллас, Поп туманидаги «Халқ банки» бўлимида давлат ижтимоий ҳимояга олганлар ризқига чанг солиш ва бошқа ишлар қачон барҳам топади.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

